

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ

12 январь кuni Хиндистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси даги фақуллода ва мух-тор элчиси этиб тайинлан-ган Далип Мехта мамла-катимиз Президенти Ис-лом Каримовга ишонч ёр-лиғини топширди.



СУРАТДА: Ишонч ёрлиғини топшириш пайти. Р. Шагаев олган сурат.

ТОШКЕНТ ТЕЛЕВИЗОРЛАРИ

Тошкентдаги «Фотон» иш-лаб чиқариш бирлашмаси-нинг ходимлари телевизор-лар ишлаб чиқариш учун йн-гув линиясини ўрнатди бош-ладилар. Бу машина-ускуна-лар жуда пухта бўлиб чиқ-ди. Уларни сотиб олишда ва со-злашда МДХнинг бошқа мамлакатлардаги ҳамкор-лар ёрдам беришмоқда. Бу машина-ускуналар йилга юз мингтажа сифатли теле-визор ишлаб чиқариш имко-нияти беради. Бу махсулот-лар нархи нисбатан арзон бўлади. Тошкентда чиқари-дан биринчи телевизор мо-делига «Нодира» номи бе-рилган бўлиб, У оқ-қора тасвирли, кинескопнинг катталиги 42 сантиметр. Ба-хорда бу телевизорлар со-тувга чиқади. Кейинчалик экранни каттароқ рангли те-ле-визорлар ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

Тошкентлик мутахассис-лар ташаббус билан бу ер-да телевизор ишлаб чиқари-ш линиясини барпо этиляпти, бу мутахассисларнинг мураккаб электрон курил-мадан асасидаги таърибаси жуда катта. «Фотон»да янги махсулот ишлаб чиқариш

* Газетанинг шу сонига ҚАРДОШЛАРИМИЗ БАЙРАМИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ва-зирлар Маҳкамасининг қарорига биноан Тошкентда Қо-рақалпоғистон Республикаси маданияти кунлари бўлиб ўтади. Бу ҳамда ташкилий қўмитанинг ҳафта бошида бў-либ ўтган мажлиси хабар бергани муштарийларимизга маълум.

Ўзбекистонда ўтказиладиган Қорақалпоғистон мадания-ти кунларининг дастури қандай бўлади? Қардош халқ-нинг қайси қўшиқ ва рақс дастаси, театри иштирок эти-ди? Концертлар, томошалар, кўргазмалар қаерларда бў-либ ўтади?

Шу каби талайгина саволларга жавоб олиш мақсадида мухбиримиз Ўзбекистон Маданият вазириликнинг бош мухтаassisи Аҳмаджон Раҳимов билан учрашди. Аҳмаджон Раҳимов ўз навбатида ушбу талбир ҳақида батафсил ҳикоя қилди берди.

— Қўплаб ҳамшаҳарлари-мизга маълум, Қорақалпо-ғистонлик азиз меҳмонлар 25 январь кuni Тошкентта ташриф буюрадилар. Кат-та шодибна меҳмонларни кўти-риб олиш билан бошланади. Худди шу кун соат 18 да Алишер Навоий номи академик Катта театрининг фойеида қорақалпоғистон-лик истеъдодли хаваскор мусаавир болаларнинг ик-ждий кўргазмаси очилди. Кей соат 19 да эса шу ерда Қорақалпоғистон мадания-ти кунлари тантанали вази-ратда очилди.

— Шаҳримизга ташриф буюрадиган делегация аъ-золари ҳақида ҳам маълумот берсангиз?

— Делегация таркибиде фалончилар бор деб аниқ айтилмайман. Лекин 270 ки-ши маданият кунларида ишти-рок этиди. Улар орасида санъат, адабиёт намояндала-ри, ишлаб чиқариш илгөрла-ри борлигини айтмасак ҳам равшан бўлса керак.

— Ҳар қалай маданият кунларида иштирок этиди-лар санъат дасталари, театр-лар маълум бўлса керак?

— Албатта, Бердақ но-ми Қорақалпоғистон муси-кий театри ўзининг тўртта-томошаси билан ҳамшаҳар-ларимизни хушхўд этиди. «Ақиниё» операси, «Ғариб-ошиқ», «Шаҳриёр», «Оти ўчсин» (Александр Горин асари) драмалари зукко то-мошабиларимизга манзур бўлади, деб ўйлайман. Қо-рақалпоғистонлик санъаткор-лар ўз томошаларини Али-шер Навоий номи академик Катта театр ва Ҳамза но-ми академик драма театри сахналарида намойиш эти-дилар.

Қорақалпоғистон 8ш то-мошабилар театри эса ик-ки миллий томоша билан келишди. Бу спектаклар 26 ва 28 январь кунлари рус ёш томошабилар театр-ри сахнасида ўйналади.

— Кўшиқ шинавандалари, рақс ошқинлари ҳам ўз му-давоарига этиб дирабо қў-шиқ тинглаб, чиройли рақс томоша қилсалар керак?

— Бунга шубҳа йўқ. «Ай-кулаш» Қорақалпоғистон Давлат ашула ва рақс даст-таси ҳамда Қорақалпоғис-тон давлат филармонияси ма-даният кунларида фаол ишти-рок этиди. Иккала долни-рак дастанинг қушвова хо-вандалари, моҳир соҳнада-ри, ишлаб чиқариш рақосалари ижросидаги кўй, қўшиқ, рақслари 26 январь кuni Мунарама Турғунбоева номи хизмат кўрсатган «Баҳор» давлат рақс даста-сининг мухташам концерт залида томоша қилинми. Ҳамшаҳарларимизнинг таш-рифи барчани шод этиши мумкин.

— Маданият кунлари да-вомида яна қандай тадбир-лар ўтказиш режалаштирил-ган?

— Талбирлар кўп ва раи-ғбатнинг 26 январь маданият кунларининг илқини лаври

ҲАМДУСТЛИҚДА

Қозғистон билан Тожикистон ўртасида ўзаро ҳам-кор-лик тўғрисида шартнома имзоланди. Қозғистон Тожикистон-га инсонпарварлик ёрдами етказиб беришга киришди.

Украина ўз мамлакатини ҳаво ҳудудини фойдаланиш учун хоржий авиаконпаниялардан бож олишга қарор қилди. Ук-раина ҳудудидан учиб ўтган ҳар бир хоржий самолётга 100 километр масофа учун 50 доллар тўланиши керак. Бундай бож Ҳамдустлик авиаконпаниялари учун ҳам ўрнатилиши мўлжал-ланмоқда.

Кеча илк бор Россияда матбуот кuni байрам қилинди. 13 январь кuni Петр I даврида илк рус газетаси чоп этилган эди.

Москвадаги банкларо валюта биржасида АҚШ 1 дол-ларининг қиймати яна ортиб, 423 сўмга тенг бўлди.

ХОРИЖДА

Форс кўрғазидagi вазият гоят кескинлашиб кетди. Ироқ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қарорларини кўп мар-та бузганлиги учун Америка Қўшма Штатлари ўз йтфоччи-лари — Буюк Британия ва Франция билан Ироққа ҳарбий зарбалар беришни бошлади. Ироқ Президенти С. Хусейн му-қаддас уруш — жиҳод бошланганлигини эълон қилди.

Германия суд маҳкамалари ГДРнинг собиқ раҳбари Эрих Хонекер устидан қўзғатилган жиноий ишни тўхтатишга қарор қилдилар. Оғир рақ касаллигига душор бўлган Эрих Хонекер ярим йил қамоққонда бўлганидан сўнг ҳозир ра-фикаси ва қизи истиқомат қилаётган Чилига учиб кетди.

Парижда 115 та давлат қимбатий қўрол-ароғни ман этиш тўғрисидаги конвенцияни имзолادилар.

Грузия Давлат Кенгашининг Раис Эдуард Шеварднадзе агар Фарб ёрди кўрсатганда мамлакатда аҳолиси омма-вий қирлиб кетиши мумкин эди, деди.

Покистон ҳукумати муҳофизатчилар етказисини Беназир Бхуттони халқаро муносабатлар бўйича парламент комитети-нинг бошлиғи этиб тайинлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

«КИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИНING «ЖИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИНING ВИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ Тўғрисида

Ўзбекистон Республика-сининг янги таъин қилин-ган мухбиримизнинг «Жураев Маҳмуд — бу-лим мудир» Тулганов Эркин — бош корректор Қасимов Мирғис — бош муҳаррирининг биринчи ўрин-босари Гофуров Обиджон — Ўзбекистон Республикаси-нинг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:

Жураев Маҳмуд — бу-лим мудир
Тулганов Эркин — бош корректор
Қасимов Мирғис — бош муҳаррирининг биринчи ўрин-босари
Гофуров Обиджон — Ўзбекистон Республикаси-нинг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:

* «Маҳалла» хайрия жамғармасида Кабелсозлар улуши

Ўзбекистон Республикаси-нинг «Маҳалла» хайрия жамғармасида маблаг ўткази-ш давом этмоқда. Шаҳри-миздаги санъат корхонала-ри, ташкилот ва муассаса-лар бу хайрия ишга ўзлари-нинг муносиб ҳиссаларини қўшишляпти. Эрта Осие на-беллар ишлаб чиқариш бир-лашмаси Мирзо Улугбек районидаги Сайдулла Ху-жаев маҳалласини ортиданга олган Корхона маъмурияти ва насаба уюшмаси жамоага

моддий кўмак бериб, кўча-ларини ободонлаштиришга бош-қош бўляпти. Аҳоли илтимосига биноан шу кун-ларда маскнх қурилиши бош-лаб юборилган.

Яқинда кабелсозлар яна бир диққатга сазовор ишга кўл урди. «Маҳалла» хайрия жамғармасида 2 мил-лион 100 минг сўм маблаг ўтказилди.

Бино қад ростлади

11-баланд уйлар қуриш трестининг 17-қурилиш бош-қармаси жамоаси Навоий ва Шароф Рашидов кўчалари муқолишида қад ростлаган тўққиз қаватли бинода қури-лиш-тиклаш ишларини ни-ҳоясига етказди. Ушбу би-нога Мустанкил Ўзбекистон-нинг ички ишлар вазирилик-га қарашли йиғиндан саклаш олий мактаби талабаларин-нинг муҳандислик ўқув ла-бораторияси жойлашди.

Тўйлар яқин

159-қурилиш трестининг 9-қурилиш бошқармаси илгөр жамоалардан ҳисобланади. Биноқорлар ўтган йиллар давомида ўнаб мактаб, боғча-ясил, турар жой бино-ларини бунёд этишиб, шаҳ-риямиз аҳолисига тухфа этишган. Шу кунларда ушбу бошқарманинг бир гуруҳ му-ҳандислари 24 оилага мўл-жалланган гиштлий уй қури-лишини илқонига етказишмо-қда. Айниқса Убайдулла Ошпоқхўжаев бош бўлган бригада аъзоларининг меҳ-нати тақсига сазовордир. Бригаданинг 14 кишилик

Халқаро кўргазмага

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти талайгина хайр-ли ишларини таллаббускори бўлмоқда. Яқинда Тошкент-да «Инсопарварлик ва таълим-шафқат учун» шпори остида очилишга кўргазмага ҳам илқинат ҳомийлик қил-ди. Илқинатчи расмоларини илқонпарварлик ва раҳи-мшафқат мавзусида яратган асарларини ўз ичига олган



Тошкент бадний буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмаси янги йилда ҳам юксак марраларни кўзламоқда. Қисқа муддат ичиде ўз махсулотларини 72 турга етказ-ган корхона бу йил ҳам аҳоли учун зарур

Ўзбекистон Республикаси Халқ Депутатларининг Уринлари Бушаган Урниха Депутатлар Сайловлари Утказиш Ҳайъатларини Ташкил Қилиш Тўғрисида

- «Ўзбекистон Республикаси халқ депутатларини сайлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 22 ва 54-моддаларига мувофиқ, қарор қилди:
- Ўзбекистон Республикаси халқ депутатларини сайлашга доир округлар сайлов ҳайъатлари қуйидаги таркибда ташкил қилинсин:
- 48-Сельмаш сайлов округи бўйича ОТАБЕКОВ Шавкат Исроилевич — Шапман илқоси заводи директорининг ўринбосари
 - ЗОКИРОВ Исламбой Эшоневич — Ҳамза тумани халқ таълими мудирини ИВАЩЕНКО Олег Дмитриевич — «Тошичилоқ» ўқаликмиш» ИЧБ таъмир-чи чилангари
 - МАҲКАМОВ Турғун Маҳкамович — 1-Алоқа автотранспорт корхонаси директори
 - ИШМОМОВ Асагилла Маркаевич — «Тошичилоқ» ўқаликмиш» ИЧБ кадрлар бўлими бошлигининг ўринбосари
 - МАКСУДОВ Ало Набижоневич — «Тошичилоқ» ўқаликмиш» ИЧБ бош директорининг ўринбосари
 - МАТЧОНОВ Рафиқ Дусеинович — Пахтачилик машиналари Давлат курши конструкция бюроси бошлиғи
 - ХАРИТОНЕНКО Игорь Николаевич — «Тошкентвино» корхонаси касаба уюш-маси раиси
 - САДРИДИНОВ Баҳодир Асмуддин-ович — Ҳамза тумани Ўзбекистон йш-лар бирлашмаси биринчи котиби
 - 50-Лисувон сайлов округи бўйича АҚМАЛДИНОВ Мурот — Чкалов номидаги Тошкент авиасозлиқ ишлаб чиқариш бирлашмаси ЧИТАИЧБ чи-лангари-асбобсози
 - МАТВЕЕВА Лидия Федоровна — 166-мактаб директори
 - ПАК Александр Владимирович — 103-мактаб-интернат директори
 - ПЕТРОВСОВ Виктор Сергеевич — Синец номидаги маданият саройи директори
 - ПОПОВ Анатолий Андреевич — Ҳамза тумани уй-жойларини таъмирлаш, улардан фойдаланиш бошқармаси бош-лиғи
 - РАХИМОВ Шухрат Хударганович — ЧИТАИЧБ бош директорининг ўрин-босари
 - УСМОНОВ Аваз Маъдалиевич — ЧИТАИЧБ ТСК бош ҳақими
 - ШОКИРЖОНОВ Озот Ғарифович — ЧИТАИЧБ уй-жой бошқармаси бош муҳандиси
- Тошкент шаҳар Ҳоқия А. И. ФОЗИЛБЕКОВ 1993 йил 13 январь

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 12 январь.

* «О2» хабар беради

Шу йилнинг 4 январидан 10 январигача Тошкентда 240 мар-та жиноятхорона ҳаракатлар рўй берганлиги қайд этилиб, ҳафта давомида уларнинг 172 таси фож этилган. Эътиборга молик томони шундаки, ўтган йилнинг худди шу даврига нисбатан жиноятчилик 33 фоизга камайган.

4 январга ўтар кечаси Юнусовда даҳасидаги автомо-билларни саклаш жойида беш нафар ёш йигит (улардан биттаси илгери судланган) ўр-тада чиққан жанжал сабабни ўзларининг танлиларини ро-са дўппослаганлар. У эса беш ишдан олган оғир мароҳат-ларнинг натижасида шу ернинг ўзиде жон берган. Бундан са-росимага тушган қотиллар мурданан Тошкент вилояти, Қирғай районини ҳудудидаги очқ қонга ташлаб, жуфтак-ни ростлаганлар. Юнусовда район ички ишлар бошқармаси ходимларининг ўз вақтида кўрган самарали чора-тадбир-ларни туғайли тез орада жо-нончиларнинг ҳаммаси қўлга олинди. Ҳозир жиноят сабаб-лари аниқланмоқда.

Шу кунги кечки пайт Га-гарин кўчасида жойлашган «Баҳор» қаҳвахонасида икки нотаниш қимса оқватлиши-столдан ҳаммининг кўзи ол-дида очкидан-очқ Тошкент таърибга билим юртининг таъ-бирова факультетининг теле-балери бўлиши АҚШ фуқаро-ларига тегишли бўлган сулка-ларини олиб қочишга уринган-лар. Сумкаларда эса 10 минг сўм пул, фотоаппарат ҳамда 20 АҚШ долларлари бор эди. Милцияга лагзул пост зимма-ти поли, 11 ротаси тартиб посбилларининг хушхўлила-ри туғайли мазкур талончи-ликда аялиниб, ҳеч қаврда ўқимаётган ва ишламаётган икки ўсмир қўлга олинди.

8 январь кuni «Чорсу» меҳмонхонаси атрофида нота-лиш қимса шохримизга меҳ-мон бўлиб келган кишининг бошидаги қимматбаҳо талкени олиб қочган. Мунципал рота милиционерлари Собо-лев, Мирзаева ва Юнусовлар-нинг ўз вақтида қилган ҳара-катлари натижасида шунинг полициясини амалга оширган, ҳеч қаврда ўқимаётган во-ғат етмаган ўсмир қўшланди.

9 январь кунда Тош-кент кабелъ завоидани уму-вий қиймати 10000 сўмлик 102 килограмм полистилен, 102 килограмм олиб чиқиш пайтида муниципал рота милиция қодим-ларини томонидан шу корхона-нинг қорувли қўлга олинди.

10 январь ошқоқ чоғи Ички ишлар бўшқармасига ет-казилган, худди билан иш-ла киришилди. Натинда мазкур жиноятни амалга оширган ик-ки ўсмир қўшланди. Ҳозир улар-нинг учинчи шохригиз излан-моқда.

Умуман, Мирзо Улугбек район Ички ишлар бошқарма-сининг ўтган ҳафтадаги фо-лисини ҳақиқатан ҳам тақсига сазовор бўлди. Жульдан, 10 январь кuni район милиция ходимларини томонидан мах-сус тадбир ўтказилган пайт-да Мирзо Улугбек районидеги кварталларнинг биринди 4 та автомат ҳамда шунча тўп-лонча асраш учун зарур бўл-ган барча таъйрланмалар, қисмларга яратилган «ТТ» тўплончаси ва унинг учта ўқ идиши, 60 дона чикки калли-бри патронлар, шунингдек АКМ автомат ва ўқ мильтигининг бир қанча ўқлари топилиб, мусодала қилинди.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармасининг матбуот гуруҳи.

ОДОБЖОМА

Исон туғилганидан то умрининг охиригача табиат томонидан ақлий меҳнат учун берилган қувватининг жуда оз миқдордан фойдалана олинган муссаб бўлади. Яна олимларнинг фикрича, 3-5 ёшларгача таваррак атроф ҳақидаги билимларнинг яримини билиб олади, умрининг охиригача эса қолган ақлий фозинини ағалар экан.

ахдудий миллатига мансуб ажойиб аёл эди) ёдан ўқитиб кўриб ва арча байрамга бирга тайёрлаш бошлади. Мен янги йил бағишланган кечада шёър ўқидим. Шунда тўпланганлардан бири «Отаси райОНода ишлайди,

деб жавоб бердик. «Бу қизчанинг тарбияси ким?» деб мени кўрсатиб сўради. Болалар бараварига бурчакда ҳадисираб турган тарбиячи опани кўрсатдилар. Уша кезлари нега мени акам билан богчага олиб бормади қўйишганига сира тушунмас эдим. Шундай қилиб, мактаб ёшигача мен ўша богчага йўл беркиртилган эдим.

* Бола бошидан ЎЗ ЎРНИДА БЎЛГАНИ ЯХШИ

боласига тарбиячи тайинлаб, алоҳида тарбиялаётгани учун боласи яхши билим олаётган, деб овозга тарқатибди. Дарҳол комиссия келди. Ҳанузгача эсимда: хонада болалар нонушта қилишарди. (Мен акамнинг ёнида ўтирибман). Бир неча аёллар кириб савол бер бошлади. «Болалар нима еяптилар?» деган саволга «Ширгуруч, нон, чой», —

Раҳматди бобом ҳеч эринмай эртақлар ўқиб берар эдилар. Танча атрофида эшитиб ўтириб ўйку босарди. Агар ноҳўй ҳаракатлар қилсам ҳазил тарихасида кичик ҳикоялар тузиб тушунтирарди эди. Отам эса арча байрамларига албатта олиб борар, палъотмини ўшлаб оstonада соатлаб пойлаб ўтирардилар. Биз эса арча атрофида тоза яйраб-қувонардик. Ҳаётимнинг ўша давларини кўз олдимга келтирар эканман, болани қаттиққўллик билан бирор нарсага мажбурлаб тарбиялаш яхши оқибатларга олиб келмаслигига амин бўлдим. Болага вақтида эркинлик бериш, вақтида текшириш, керак бўлса қойиш зарур. Шундагина фарзандларимиз баркамол бўлиб вояга етдилар.

Айни пайтда маэкур масканда 190 нафар дилбандларимиз тарбия олишмоқда. Шуни қувонч билан айтиш лозимки, машғулотларнинг самарали ўтишига эришиш билан бирга «Кичкинтой одобномаси» дастури бўйича ибратли ишлар амалга ошириляпти. Бунда ўғил-қизларимиз нутқ маданияти, катталар орасида ўзини қандай тутиш, муомала, саломлашиш, покизалик, ҳалоллик ва бошқа фазилатлар қунт билан ўргатиб бориляпти. Яқинда эса араб тилини ўқитиш ҳам йўлга қўйилди.

Муқаддас КОМИЛОВА, филология фанлари номзоди, доцент.

АСОС— МИЛЛИЙ ТАРБИЯ

Собир Раҳимов райондаги 88-болалар богчасида кичкинтойларни ҳар томонлама етук қилиб яамол топтиришга алоҳида эътибор бериляпти. Айниқса, уларда шарқона ҳулқ-одобни шакллантириш тарбиячиларнинг диққат эътиборида.

Ахлок-одоб бора-сидаги барча тадбирларимиз ўзининг яхши натижасини бераётганини ҳис қилиб турибмиз. — деди биз билан суҳбатда богча услубетчиси Р. Печёркина.

Алишер МАМАТОВ.

* Кексалар насихати—турмуш ҳақиқати ОТА-БОБОЛАРИМИЗ ДАСТУРИ

Халқимизнинг миллий урф-одатларини билиш юксак маданиятлик ҳисобланади. Чунки унга амал қилмоқнинг катта тарбиявий аҳамияти бор.

Эшикни қаттиқ ёпиш ёки оёқ билан очилиш қадимдан ота-боболаримиз одобсизликка қўйишган. Манман, такаббур одамгина шундай ноҳўй ҳаракат қилади.

Кирингн мағзавасини, таомнинг қолдирини, чойнинг шамасини ҳовлига тўккан аёл қаттиқ қораланган.

Эшик кесақисига суяниш, остонани босиш ёмон одат ҳисобланган. Бундай тарбия кўрмаганларнинг ўта маданиятсизлигига айбланган. Уйга кирган одам, одам борм-йўмини барибир салом бериб кириши шарт бўлган. Одатда эшик олдида сўрашилса ҳам остонадан ҳатлаб ўтгандан сўнг: «Ассалому алайкум!» деб салом берилади.

Уйга йўқлаб келган кишининг эшик олдида узоқ турганиб қўйиш одобдан эмас. Хоҳ таниш, хоҳ нотаниш бўлсин, очқ ҳеҳра билан

уйга таклиф қилиш зарур. Хонадонга қўни-қўшин, ака-ука, ола-сингил, қариндош-уруғларнинг тез-тез келиб туриши меҳр-оқибат, кўнгил яқинлигининг рамайдир. Ҳовлисига бирон одам кирмайдиган уй соҳибини турли иборалар билан таъзирлаш қадимдан қолган.

«Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл» деган ҳикмат бор. Бу — аввало халқнинг дастурига амал қилгин, деган маънони билдиради. Биологик ўзгаришлар мўъжизаси туфайли қўй эчкининг улонига ўхшаб қўзайласа ҳайратдан ёқа ушлаймиш. Ўзбек була туриб, ўзбекчани яхши билмайдиган, ўзбекона урф-одатларини ҳурмат қилмайдиган фарзандлар ҳар қанча таъналарга лойиқдир.

«Ака-ука тотув бўлса, от қўп; овсин тотув бўлса, ош қўп» дейилган экан, донолар. Ота-боболаримиз дастурини сақлаб, ардоқлайдиган вақт келди.

Қидирбой Тўлабоев, олий тоифадаги ўргатувчи.

* Ҳаёт сабоқлари ПОКИЗА НОМИМИЗГА ДОҒ ТУШМАСА БАС

Биз кекса авлод ўзимиздан сўнг кўчаларга номимиз ёки қабри-мизга қора мармардан қабртоқ қўйилишига даъвогар эмасмиз. Биз учун энг муҳим биздан кейин фарзандларимиз покиза номимизга доғ тушириб қўймасалар бас...

Қўрқок, хуррак, юраги «тушиб», руҳан мажруҳ бўлиб қолган кимса бизга керак эмас. У ўз халқини шод, юртини обод этолмайди.

Биз жамиятни юз йиллар давомида юз хил бўёқларга бўя-

дик, ўз қўлимиз билан уни байрон қилдик. Ҳеч бўлмаса энди уни таъмирлашга сидқидилдан киришасак бўлармиди?!

Ҳаёлий, бетавиш, бемашаққат жаннатий ҳаёт кимга керак? Ҳаёт тавишчи билан завқли. Меҳнатсиз топан ноини еишининг гапни бўлмайд.

Қўйлар бирлашсалар ҳам беозор қоладилар, аммо итлар бирлашса, талафот рўй берди дегеринг.

Жўраҳон АБДУЛЛАЕВ.

Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси Ҳамза номидаги Давлат мукофотига тақдим этилган асарлар орасида Чўлпон мукофотининг совриндори, иктидорли шоир Азим Суюннинг «Кўйганим — суйганим» китоби ҳам борлиги қувончлидир.

Китобда шоирнинг сўнги йилларда ёзган Ваган истиқлоли, истиқлоли хусусидаги, қўна тарихийдан ҳикоя қилувчи, уни ухлуғловчи, севги-муҳаббат ва табиат мавзуларидаги шеърлари, «Иморат» достони, «Сарбадорлар» тарихий фожиаси ҳамда Ж. Байрон, И. Гёте, А. Пушкин, П. Неруда, У. Сулаймоновларнинг асарларидан қилган таржималари ўрин олган.

Азим Суюн шеърларининг лирик қаҳраонинг табиатни курашчан ва фалс. мусобабликни фиғонини кўна чинқувек қоралайди. Эл-юрт, халқ истиқлоли, истиқлоли уни кўпроқ безовта-қилади. Ҳақиқий шеър инқилбни фақат шоирнинг ўзи эмас, балки у аша-гайта замон, фойий дунё билан боғлиқ дунё оралиғидаги умргузаронликдир. Давр ва ҳаётдан ажралган, чегда турган шеърдан айланган, сохтадир. Ёлгон аралашган ҳаёт, турмуш айрилиқ — худлоликдир. Сохта оҳ-воҳлар, сохта ички кечинималар асосидан инюд шеърни ёғийсидир. Сўз сеҳри эса қудратли:

* Ҳамза номидаги республика
Давлат мукофотига номзодлар
ТУЙҒУЛАР
ЖОЗИБАСИ

Сўзларини ёлдирман мисоли тўр,
Элим, жонинг бўлса унга
Тирликда яша сен ҳам овоз
ва хур
Замонамга балки қаддинг
қадрайди!
Шеър — қалб тугёни, юрак ҳас-
рати, дарди, севинчи ва тавишчи.
У сўзлар могоқадироти, чақмоқ
ёлқини, нур ёдуси. Шеър ва
ижодкор ота ва фарзанд, она ва
бола. Нозиктаб китобхоналар қаб-
бининг азиз меҳмони. Шоирнинг
якто гоёси — руҳи овоз, имони
пок, бутун инсон.

Турогинини ёв олган йўқ,
Юртинга қирон солган йўқ.
«Ўзин-ўзин» дейди ўзбек
Элим бузган худди шу ўқ.
Маълумки, XVI асрнинг улкан
воқеаларидан бири сарбадорлар
ҳаракатидир. Азим Суюн ҳам Са-
марқанд сарбадорларининг фожи-
явий қиссасига бағишлаган адабиёт-
мизга биринчилардан бўлиб «Сар-
бадорлар» драмасыни ёзди.

Сарбадорлар мўғулларнинг та-
лончилик юришларига, эрксизлик
ва куллилик олиб келган жабр-зум-
лигарга қарши қаҳрамонона бош
кўтарган. Бу овозлик курашга
мадраса мударрисини Муллохон
Самарқандий, пахта тозаловчилар
маҳалласи оқоқоли Абу Бақр Ка-
лавий ваби тарихий шахслар раҳ-
намоллик қилади. Бироқ бу ҳара-
кат қисқа, оз муддат ичидаги ҳо-
кимликдан кейин фожиали тугай-
ди.

Асарда тарихий кишилар,
шахслар билан бир қатор
да шоир тахайюлининг (хаё-
лотининг) махсули бўлган
хаёлий тиримоллар, сиймолар
ҳам иштирок этади. Улар асарда-
ги драматик фожиавий руҳини
нучайтиришга хизмат қилади. Телба
Сархон, Темур хуфиси, Аббос Ва-
ҳодир шундай персонаждир.

Тарихий асар бўлиб ўтган воқеа-
ҳодисаларнинг айнаи нуҳаси, кў-
чирмаси бўлиш шарт эмас, инчу-
нун, ўша воқеалар асосида инсо-
ний тавсифлар яратиб ва улар
воситасида мўайян гоийий йўналиш-
ни тавсирли ифодалади, кўрсатиш,
акс эттириш мақсадида мувофиқ-
дир. Бунга ижодкор ўз ижодий
услубидан келиб чиқиб ёндашади.
Шу нуқтан назардан Азим Суюн
ҳақиқий бадийят асосида харак-
терли образлар яратади. Амир
Темур фаолиятининг дастлабки
давларини тарихий ҳақиқатга
яқин воқеалар ичра гавдалантира-
ди.

Достонда Амир Темур ташқи
куринишидан сипо, босиқ, аммо
иштига пухта, ислом дини ҳоми-
си, зиндан катта ишларга ўзини
руҳан чоғлаган тиримол сифатида
тавсирланади. Бу «Мовароуннаҳр
бир бутун давлат қилмоқ иня-
тида» юрган одомнинг характери-
га тамоман мос тушадиган хислат-
лардир.

Шоирнинг «Сарбадор»лар дра-
матик достони Ўзига хос бадий
асар сифатида гоийий-эстетик ҳу-
суватларини ўзига зуҳурлаб, завқ-
сувбат билан мўтолаа қилинади.
Энг муҳими Азим Суюн узоқ ў-
мишга таллуққан тарихий ҳужжат-
ларни, манбаларни тўплай, уларни
тафаккур шуъласида ёлқинлан-
тирган.

Ҳамза мукофотига тақдим этилган
ушбу китобни ўқиб мушоҳада
қилиб, туркий-ўзбек халқининг
кечмиши-ю буғунига сайҳат қил-
гандек бўласиз. Ҳақиқий тийрак
ва зийрак мозиёда кўрасиз. Хиз-
р-сифат халқимизнинг бирда голиб,
бирда маҳзун сасини, шоирона
туғйулар сеҳрида зинтасиз. Сар-
бадорлар қаҳрамонлигидан қаб-
биниз серинкор тоғдек кўйрили-
са; Маҳмуд Ялаовичнинг хиёратни,
сотқинлигидан азоб исқанасига
тушасиз, ўртанасиз. Ўзиборини,
мозийин шеърини тиримоллар, гў-
зал, ибратомуз ташбеҳлар орқал
идрок этасиз. Халқ, алулус
доншамандлигининг йирини, буюн
сиймоларни бўлиш бахшлар, тер-
мачиларнинг қуйиб-суйиб сўйла-
ган сўзларидан, достону ҳикмат-
ларидан маънавий сабоқ чиқара-
сиз. Ўйлаймизки маэкур китоб
ўзининг бадий-эстетик қиммати
билан юксак мукофотга лойиқдир.

Луффулла МАМАСОЛТБЕВ,
адабиётшунос.

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Хулқ — ҳар ким ўз қиёфасини кўрсат-
тадиган кўзгудир.
И. Гёте.
Ақли равшан, ахлоқий пок ва jisман
тоза бўлиш керак.
А. П. Чехов.
Қўйлак белни кўрсатиб турганидек
қилиқ ҳам ахлоқни ошкор қилади.
Ф. Бэкон.
Яхши хулқлар ўз маънафини кўрбон
қилишдан ташкил топгандир.
Р. Эмерсон.

Одоб — жамият қонунлари ичида энг
аҳамиятсиз ва энг ҳурматга сазовори-
дир.
Ф. Ларошфуко.
Сенинг ҳар бир хатти-ҳаракатинг бош-
қа кишиларда акс этади; ёнигда инсон
борлигини унутма.
В. Сухомлинский.
Ухламоқчи бўлганигда кун бўйи қил-
ган барча ишларингни бир аниқлаб ол-
магунча кўзингни юмма.
Демокрит.

Ахлок-одоб бора-
сидаги барча тадбир-
ларимиз ўзининг яхши
натижасини бераётга-
нини ҳис қилиб туриб-
миз. — деди биз бил-
ан суҳбатда богча ус-
лубетчиси Р. Печёр-
кина.

* Яхши фазилатлар

ҲАЛОЛЛИК

«Чорсу» бозорига яқин жойда бир отахон тумшуги дарз
кетган чойнакларни чегалаб ўтиради. Соч-соқоли оппоқ,
ушқоқина қариянинг олдида бейфарқ ўтолмайси: Бўшаган
консерва банкаларининг тунукасини қирқиб олиб, ихчам ку-
рилма ва болғачеда устелик билан чега эсайдилар. Қуз-
атиб турсангиз, бир зумда синиқ чойнак ана ишлаткишга тайёр
бўлади.

— Ешим 82 да, — деди бир кун отахон суҳбатлашиб
қолганимизда. — Белимда куч-қувватим борлигида ажойиб
сандиқлар ясардим. Энди мана шу юмушини эрмак қилиб
ўтирибман. Пулга муҳтож жойим йўқ, шукр, нафақа олла-
ман. Аммо ҳозирги қийин шароитда чойнакларни ямаб,
одамларга фойдад тегин дейман. Чунки кейинги пайтда
чегаловчилар неғадир камайиб кетди.

Бир чойнакни чегалаш—10 сўм. Асосий гап пулда эмас,
балки нуруний отахоннинг совиқда қийналиб бўлса ҳам
кўпчиликке нафи тегатганидир. Қани энди ҳамма ҳам у
кишидек ўзгаларга қайишувчан, меҳнатсевар, ҳалол бўлса...

Очқик тан олиш керак, кейинги пайтда маънавий қадрият-
ларимиз ота-боболаримиз давридек яна қарор толиб бор-
моқда. Одамларда кўплаб умуминсоний фазилатлар қато-
ри ҳалоллик ҳам эъзозланяпти. Шу ҳақда фикр юритар
эканмиз, донолардан бири Плавтнинг «Ўз-ўзиндан чиндан ҳам
халолманми, дея сўрайдиган одамгина чинкам халолдир»,
деган сўзлари ёдимишга тушади. Ҳақиқатан ҳам шундай.

Яқинда «Мурод» фирмасининг бюртмаси бўйича чоп
этилган «Бой бўлиш интасанга...» деб номланган китобча
қўлимизга тушиб қолди. Рисола билан яқиндан танишиб
қиққак, киши яхши яшайман деса, албатта бойиши зарур,
деган хулосага келдик. Бизнингча муаллиф Акам Юнусов-
нинг айтмоқчи бўлган асосий мулоҳазаси ҳам шундан ибор-
ат бўлса, ажаб эмас. Яна бир диққатга сазовор жойи шун-
даки, китобчада ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида фа-
қат халоллик ва ишбилармонлик билангина моддий нельма-
ларга эришиш мумкинлиги кенг тарғиб қилинади. Айни
пайтда мана шундай, тўғри йўл-йўриқ кўрсатувчи манбалар
ҳар қанонғидам ҳам зарур, деб ўйлаймиз.

Жамиятимиз, одамларда биз тилга олаётган фазилат тў-
лиқ ўз ўрнини топагани маънавий покликни ва юксак қадр-
қиммат шаклланиб бораверади.

Шавкат САБДИЕВ.



Шаҳримиздаги 22-мактабнинг
муҳташам зали ўқувчилар, муал-
лимлар, меҳмонлар билан тўла.
Айниқса, учинчи синф ўқувчилари
яқинда ҳаяжонлари шундоқчалар
юзларидан сезилиб турарди. Чунки
улар синф раҳбарлари Хури-
он Тешабоева билан «Китобим—
офтобим» деб номланган байрам
ўтказаштилар-да! Айни пайтда,
уларнинг ота-оналари ҳам байрам-
га ташриф буюришган!

— Вой адашиб кетсан-а? —
тавишланганларди қизчалар.
— Хотиржам, худди дарс-

«КИТОБИМ— ОФТОБИМ»



Улар болаларни байрам билан
табриқлашди, китоб ўқиш, билим-
донлик, каттага иззат қилкича
хурмат ҳақидаги ибратли ҳикоя-
ларни сўзлашди. Кейин улардан
яқин ёган шеърлардан
ўқиб берди.

Саҳнага байрам меҳмонлари,
болаларнинг семвили шоирлари
Турсунбой Адашбоев, Анвар Обид-
жонлар бирин-кетин кўтарилишди.



Улар болаларни байрам билан
табриқлашди, китоб ўқиш, билим-
донлик, каттага иззат қилкича
хурмат ҳақидаги ибратли ҳикоя-
ларни сўзлашди. Кейин улардан
яқин ёган шеърлардан
ўқиб берди.

Саҳнага байрам меҳмонлари,
болаларнинг семвили шоирлари
Турсунбой Адашбоев, Анвар Обид-
жонлар бирин-кетин кўтарилишди.

Кўнглим дардлашадиган бирон
хушчақчақ, дилқам ҳамроҳ кўрсар-
ди. «Болалар дунёси» мавзевда
Расулмат Нуруллоев деган танишим
истиномат қилишнинг эслаб, қувониб
кетдим. Бу меҳрибон инсон билан
ҳамсуҳбат бўлиш дошмандан хузу-
рига кирми шай. Ҳаэрга дуч кел-
шидек хуш ёқди кишига. Шу ту-
файли оёғим унинг даргоҳига қар-
аб тортавердим.

Фахрий менин собиқ кўролдош
дўстидек зўр қувонч билан кутуб
олди. Утиришарга жой тополганим-
дек жонсарғу-паровна, соғинганим
ва ишларимни қайта-қайта сўраш-
тарди. Меҳмоннавоз одам деганли-
рини шу бўлса керак. — Ўйлардим
мен. Катта ёшли авлод вакиллари
неочлик меҳр-оқибатли ўғалар
хизматига шай. Уларга тенглашиш-
га буғунги авлодга йўл бўлсин. Ай-
ни чоғда ўзим ҳам сарбаёт, ичимга
қуяш чиққандек тундлашган чекрам
ёришиб кетганди.

— Ширин одам қаердалар, тинч-
ликми, нега кўринмайдилар! — сў-
райман ягона қўли билан дастурхон
туза бошлаган қарияни суҳбатга
тортмоқчи бўлиб.

шукхули қариган, йиллар уни янада
салобатли-савлатли қилган. Сўзлари
бурро, фикрлари теран, ҳаётий би-
ли-тамрибалари жозибадорлиги
билан суҳбатдошимни мафтун, маҳлўб
этади. Лекин бироз вақтинлашган,
Гўё 75 йиллик умрининг бетакорр
хотиралари кўринмас оқ бўлиб ел-
кисдан босгандек. Қани энди ҳар
бир хонадоннинг Расулмат акага,
ўшаган фаришталари қарисси бўлса!
Ушанда ҳаёт тарзими ҳам, халқи-
мизнинг маънавияти ҳам анча сар-
балонд, талафотларимиз эса кам-
роқ бўлармиди?

— Бир қўйимда ном, кинкинчи-
да китоб, пода кетидан ўтказидим
ўспиринлик йилларимни, — эслайдим
Расулмат ака. — У пайтларда китоб,
дафтар, қалам қонининг уруғи эди.
Йўлда ётган йиртиқ газета парчаси-
ни кўрсам, олтин топиб олгандек
шодланардим. Чунки, газетани ўқир-
дим, четларига ёзиб, дафтар ўрни-
да фойдаланардим. Шу аллозда ака-
вад чиқариб, мактабни битирдим.
Сўнг раёфакда ўқиб, уни томонла-
га муаллимлик қилдим.

У кишининг хотиралари эртанга
ўхшаб кетади. Бу одамнинг боши-
дан кечирган қийинчиликлари олди-
да бутун биз нолиб танқид қилаёт-
ган таъқисилларни рўқач қилиш
кулгилли. Тасаввур, қилинг! Россия-
нинг қарқотон совиғида бир неча
кунлаб ош-наҳор окопада ётиб, душ-

мон ҳамласини даф қилиш учун
одамлар иродаси метиндан ҳам
чидамли бўлиши керак.
Расулмат Нуруллоев 75 баҳорини
ортада қолдириб, ҳаёт пиллаповла-
ридан илгариланмоқда. Бу муаддат-
нинг 8 йили ҳарбий хизматда кеч-
ган. Уруш йилларининг ҳар бир
кунини, соатигача аниқлик билан ёди-
да ўчмас из бўлиб муҳрланган. Са-
мар, Москва, Рига, Санкт-Пете-
бург шарҳларидаги жанговар шўҳ-
рат музейларида у киши хизмат
қилган Қизил байроқ ва Суворов
ордени 33-ўқин дивизия ҳамда Р.

ҳужумга ўтиб, ҳар бир мавзени
жанг билан тозалаб, қадам-қадам
душманин орқага суриб, олга сил-
жашарди. Қўнани юргунганича кесиб
ўтган команданининг чап қўлини
дири ўтмас болта билан чопгандек
қалқиб кетди ва гандиракляб йил-
ди. Бу ётмагандек снаряд портлади
ва ярасини боғлаётган ёрдамчилар
нобуд қилиб, ўнг оёғини қонга бе-
лади. Оғриқ хушдан кетказган йи-
нгил миёнада муҳажир фикр йилт
этиб ўтди. «Бир қўл бир оёқ билан
қолдим шеклилли...»
Рига озод қилинган ярадорларни.

оғишмай амал қилишад.

— Расулмат акага ўхшаган уруш
ва меҳнат фахрийлари кам қолди,
уларни эҳтиёт қилайлик. — дейман
хонадонда бўлганимда, мой қўйиб
узатган кенжа ўғил Холмуроджонга.
— Дедим уйимизнинг бараканга,
ақл чирогини, сулунигини, дили-
ми шури, бахтимизга 100 йил, ун-
дан ҳам узоқ умр кўрсинлар, —
жавоб қилди у.

— Ота-она хизматини адо эттиш
фарзандлик бурчимиз — суҳбатга
аралашиб тўнғич ўғил. — Адамни
бу оқимон уйга олиб кетаман деб
келувдим.

* Одамий эрсан... ДАДАМ АҚЛ ЧИРОҒИМИЗ...

Нуруллоев кўрсатган қаҳрамонлик-
ларини ҳикоя қилувчи кўргазмалар
жой олган. Яқинда ҳарбий жури-
налист А. А. Матянин унинг жасора-
тига бағишлаган газетача чиқарган
шеърини юборибди.

Расулмат Нуруллоев 75 баҳорини
ортада қолдириб, ҳаёт пиллаповла-
ридан илгариланмоқда. Бу муаддат-
нинг 8 йили ҳарбий хизматда кеч-
ган. Уруш йилларининг ҳар бир
кунини, соатигача аниқлик билан ёди-
да ўчмас из бўлиб муҳрланган. Са-
мар, Москва, Рига, Санкт-Пете-
бург шарҳларидаги жанговар шўҳ-
рат музейларида у киши хизмат
қилган Қизил байроқ ва Суворов
ордени 33-ўқин дивизия ҳамда Р.

госпиталларга ташдидилар. Р. Нуру-
ллоев бир қўлдан ажралган, бир
оёғи ярим эроқли, майор унвоини,
кўкси тўла орден-медаллар билан
отга

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси байналмилал маданий марказида қозоқ маданий маркази фаоллари, республикамизнинг турли вилоятларидан ташриф буюрган қозоқ эътилоли тўлақандилар. Улар республикамиз Президентини И. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласи ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш учун йиғилгандилар.

Маъмур йиғилиш олдидан Ўзбекистон Республикаси байналмилал маданий маркази директори Озод Каримов, қозоқ миллий маданий маркази раиси Ортиқбой Ғабдиевлар билан мулоқотда бўлди.

— Республикамаиз мустақилликка эришгандан сўнг, ер ости ва ер усти бойликларида тўла эътибор қила бошлагани, кўпгина соҳаларда қайта ишлаш корхоналари қурилаётгани натижада қозоқларнинг «Бундай ишларни амалга оширишда Президентимизнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласи дастур бўла олади. Шу боис ҳам Ўзбекистонда яшовчи турли миллат вакиллари бу рисолага катта эътибор билан қарамоқда. Бугун республикамизнинг турли вилоятларидан ташриф буюрган қозоқ биродарларимиз ҳам айнан шу рисолага чуқур муҳокама қилиш, жойлардаги қозоқ дўстларимизга етказиш учун байналмилал марказимизга йиғилдилар.

Рисолада ҳар бир миллат дини, эътиқодидан қатъий назар ўз урф-одатини сақлаш, ўз тарихини ўрганиш эркинлиги кўрсатилади. Бу Президентимизнинг республикамизда яшаётган турли миллат вакиллари учун оқилона ва одилона сиёсатидир.

Республикамиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш учун ҳаммамиз барча соҳада ҳалол меҳнат қилишимиз, миллатлар орасида ҳурмат, инсоний садоқат ва ҳамжиҳатликка эришишимиз муҳим роль ўйнайди.

— 1993 йилнинг бошида Ўзбекистон Республикаси қозоқ миллий маданий маркази фаолларининг йиғилиши, Президентимиз И. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласини тарқатишга етказиш учун тўплангани, бу — Ўзбекистонда яшовчи бир миллионга яқин

қозоқ фуқаросининг бир тан, бир жон бўлиб меҳнат қилаётгани, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида тинимсиздан ҳимоят қилишимиз, — сўхбатга қўшилди Ортиқбой Ғабдиев. — Мақсадимиз миллатлараро аҳдлик, халқлар дўстлигини янада мустаҳкамлаш. Республикамаизда яшаётган қозоқлар Ўзбекистонни ўз она Ватани, деб биладилар. Бинобарин, улар бутун куч ва ғайратларини шу республиканинг истиқлоли учун сарфлайдилар, деб ишонтираман.

* Энг афзали-тотувлик ҚОЗОҚ ОҒАЛАРИМИЗ АНЖУМАНИ

Шундан сўнг, қозоқ миллий маданий маркази фаоллари анжумани бошланди. Профессор Жосузоқ Қалибетов И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласи бўйича маъруза қилди.

— Биз бир неча давлат раҳбарларини кўрганмиз, улар китоблар, рисолалар ёзган. Шунингдек, ўз китобларида ўзидан олдин раҳбарлик қилган ҳукумат бошлиқларини қора лойга булганга уринганларининг ҳам баъзан гувоҳи бўлганмиз. Аммо, Президентимиз И. Каримов рисоласида бундай сўзларга кўзимиз тушмади. Унда олиб борилган ташқи ва ички сиёсатимиз, миллатлар тотувлигига эришиш ёлғиз илгари сурилган. Шунинг учун ҳам бу рисола ўз вақтида қизиб ва Президентимиз сиёсатини улуғвор, деб ўйлайман.

Маъруза юзасидан музокараларда С. Атегов, Қ. Дўстмаматов, Қ. Дўйсенов, С. Додиев, Х. Сағатов, Н. Ғабдиев, С. Қораёв, А. Салимов, Х. Алимов, Ю. Оймурзаев, А. Дулов, Қ. Ботанов ва Х. Сайдановлар чикиб, ўз фикр-мулоҳазаларини ифода қилди. Президентимизнинг Ўзбекистонда яшовчи турли миллатлар тотувлиги учун одилона хизматлари, республикада тинчликни сақлаш учун фидойилиги ва январь ойи бошларида дўстликни барқарорлаштириш мақсадида Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари бошқарушининг Тошкентдаги учрашуви йиғилганларнинг диққат марказида бўлди.

Анжуман қатнашчилари И. А. Каримовнинг рисоладаги фикрларини қўллаб-қувватлаш, уни республикамизда яшаётган қозоқларга етказиш, ёшлар таълими ва республикамизнинг келажиги учун унда дастурлар амалга оширилиши, миллатлараро дўстликни янада яхшилаш учун тегишли қарорлар қабул қилди.

— Мен «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласи билан яхши танишман. Айниқса, Президентимизнинг «Ўзбекистонда туғилган унинг замида яшаётган ва меҳнат қилаётган ҳар бир киши миллий мансублиги ва эътиқодидан қатъий назар, республикамизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишига муносибдир», — деди у. — Ўзи «Озчиликдан иборат миллатларнинг манфаатлари ва фуқароларининг ҳимоя қилиш, уларнинг маданияти, тили, миллий урф-одатлари ва анъаналари сақланиши ҳамда раъвожланиши қароқатли тавсиялаш» каби сўзлар билан янада руҳлантиради. Шунингдек, И. Каримовнинг «Мамлакатимиз тўпироғида яшаб турган ва ўзини ватанларвар, деб ҳисоблаган ҳар бир киши унинг ахлигиллиги ва бирлигини асраб-авайлаш шарт» деган фикрларга қўшилганимиз.

Анжуман қатнашчиларининг ҳам худди шу фикрда эканлиги уларнинг чехрасидан сезилиб турди. Эркин ЭСИРГАДИЕВ.



Тошкент Давлат цирки юракларини тосанга тушириб юбуровчи қатис ўйинлар музикаларини, уй ва ёввойи ҳайвонларнинг ҳайратда қолдирувчи томошалари ижросида, янги йил таътили кунлари эса болакайларнинг доимо гавжум бўладиган энг севимли маскаларидан биридир. Р. Альбеков суратлари.

ТУРКУМ КИТОБЛАР

Республикамизда ҳуқуқий билимларга доир турли хил адабиётларни чоп этишга ихтисослаштирилган «Адолат» нашриятининг фаолият доираси кенгайиб кетди. Нашрият атрофига уюшган катта иқтисодий жамоа қисқа вақт ичида бир неча китобни чиқаришга эришти. «Ўзбекистоннинг янги қонунари» туркумидан чоп этила-

ётган тўпламлар ҳам кенг оммалашмоқда. Нашрият чиқарган «Инсон ҳуқуқлари», «Расмий ва норасмий учрашувлар одобномаси» каби китоблар ҳам мутахассисларда қизиқиш уйғотмоқда. Бирин-кетин юзага келаётган бу сингари нашрларни босмага тайёрлашда нашрият ходимларининг йирик мутахассис олимлар билан яқин

ҳамкорлиги қўл келмоқда. Ўзбекистон Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти илм аҳли билан бамаслаҳат қатор тўпламлар ҳам чоп этилди. Бундай алоқа натижаси ўлароқ «Юридик атамалар ва иборалар» луғати қўл. Ўзбекистонда босмага берилди. Саодат ОДИЛОВА.

Одам эоти борки, албатта, бирон нарсага ишқибоз бўлади. Шу сабабдан қўлчиликнинг лақаби ҳам бўлади: «ишқоб», «каптарбо», «марка» ва ҳоказо. Буюк Британиянинг сойиб Бош вазир машҳур ва маълум Уинстон Черчилль эса мушукларни жуда эъзозлаган.

Шундоқ катта юртининг бошлиғи бўлса ҳам — баркибир, инсон эмасми, даргазоб бўлиши бор, таянч бўлиши бор — Черчилль ўзининг севимли мушукдан жудо бўлишига сал қолган экан. Бош вазир жаноблари хонасида ишлаб ўтирганда, Ҳок лақабли малла мушук ҳужайинининг диққатини тортиш учун қўлларини қаттиқроқ тираб юборди. Черчилль дахшат билан бақириб ўридан туриб кетди ва жаҳл устиди уни бир четга йиғиб юборди. Мушук жон ҳолатда ўзини боққа урди ва бир неча кун корасини кўрсатмади. Ўзини анча босиб олган Черчилль кириверилишда эшикка каттақон эълон осиб қўйди. Унда Ҳокнинг афв этилгани ҳақида сўз борар эди. Эртаси

* Йиллар қатидани сирлар МАЛЛА МУШУКЛАР СУЛОЛАСИ

васиятнома 1965 йили, Черчилль ҳаётдан кўз юмгандан кейин ўқилди. Унда айтилишича у Ҳок графлигини қўйиб Британия миллий тўрига қолдириган. Миллий, бу нуфузли ташкилот қатори мушуклар ва тарихий ёдгорликларнинг ҳимоячиси сифатида машҳур

эди. Черчилль айни пайтда ташкилот олдига бир шарт ҳам қўйган эди: малла мушук Ҳок умрининг охиригача ҳеч нарсага зориқмай шу уйда яшайди. У вафот этгач эса уйда яна бир шудай бошқа малла мушук яшайверади.

Миллий трест Черчилль уй-музейини бунёд этди. Ҳок эса бу уйда ўлганга, яъни роппа-роса 16 ёшга киргунча маза қилиб яшайди. Шундан кейин уйга бошқа мушук малла мушукни топиб келишди. Унга Ҳок II деб ном берилди. У ҳам 1990 йилнинг декабрида қа-

риб-чириб вафот этди. Бу сафар эса малла мушук тоғи осон кечмади, албатта. Черчилль уй-музейи ходимининг ҳикоя қилишича Ҳок III номига оладиган малла мушук ўнлаб, юзлаб мушуклар орасидан топилди. Табиати, жониворларнинг ҳимоя қилиш жамиятларининг барча уришларини бекор кетди. Ниҳоят, музей — ҳодимаси малла мушук сотилиши ҳақидаги эълонни кўриб қолди. Омадани қарангки, малла айнан изланаётган мушуклар зотида экан!

Ҳок III ҳозир икки ёшда, Черчилльнинг уйда уни узоқ, айтиш мумкин, бахтли умр кўчатипти. Айтиш-айтиш, Ҳок IV осонликча топилди! Акс ҳолда Черчилль жанобларининг руҳи безовта бўлади, албатта. Буюк Британияда катта давлатда оддий васиятга шунчалик ҳурмат! Жоинворларга эса шунчалик izzat! Ўзининг ҳал қилиш: уртак олес бўладими ёки йўқми?

Тоҳир НУДЛОШЕВ тайёрлаган.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БҒЛАДИ Хитойнинг Фуцзянь вилоятига қарашли қишлоқлардан бирида 1976 йилдан бундан фақат қизалоқлар туғилмоқда. Шунинг учун ҳам бугунги кунда бу ерни «Қизлар қишлоғи» деб атамоқдалар. Ун етти йилдан бундан ўйил бола йигини чиқмаган қишлоқда содир бўлаётган бундай сирли ҳодиса олимларни қизиқтириб қўйди.

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК Қачонлардир машҳур Уинстон Черчилль, «Менинг ёшим қарим жойга бориб қолганига биринчи инқидобий фаолият билан мунтазам шуғуллиганимнинг боиси спорт билан умуман машғул бўлмаганимдир», деган эътироф этганиди. Астариликлар эса маъмур жанобнинг фикрларига қўшилмадилар. Бенадир жамоатчилик фикрини ўрганиш институти олиб берган тадқиқотларга нўбати сўнгги беш йил мобайнида мамлакат аҳолиси ўртасида спорт билан ҳеч бўлмаган бир марта шуғуллинадиганлар сонини 34 фоиздан 44 фоизгача ошган.

* Хоҳ ишонинг, хоҳ...

61 ёшли Америка фуқароси Кар Адамс қайида АҚШ дарёлари бўйлаб ёлғиз ўзи саёҳат уюштириди. Шундан сўнг у она шаҳри Портленд телевидениеси орқали шундай деди: — Мен бу савҳатим билан ниминдир қайратда қолдирмоқчи эмасман, аслича, хатто 60 ёшлик одам ҳам, агар унинг организи кенши, сиртди ичимликлар ички оқибатда аҳақланмаган бўлса одамшумул ишларини амалга ошира олиши мумкинлигини исботламоқчи эдим. Ниятима етдим.

ЯПОНЛАР ВА ТАМАКИ Сўнгги пайтларда япониялик эркаклар чекишин зарари ҳақида кўпроқ мулоҳаза юритилган чоғи. Чунки улар орасида кашанидалар сонини тобора камайиб бормоқда. Бугунги кун-

да Япониядаги чекувчилар сонини катта ёлғиз аҳолининг 61.8 фоизини ташкил этди (бу эса 1966 йилдан бери эришилган энг кўпини натижа). Афсуски, япон аёллари орасида чекувчилар сонини 13.4 фоизга қўпайган. Ҳаммаси бўлиб оролда яшовчи аҳолининг 32 миллионини ўз ҳаётини тамакисиз, тасаввур қилолмайди.

ГАП ЕШДА ЭМАС... Ҳаммаси бўлиб оролда яшовчи аҳолининг 32 миллионини ўз ҳаётини тамакисиз, тасаввур қилолмайди.

МЕҲНАТ — ҲАМ ГҒЗАЛЛИК, УЗОҚ УМР Меҳнат инсонни гўзаллаштиради, деган ақида бор. Ленин фин олимларини унга яна бир ибора «Умрини ҳам узайтиради», деб қўшиб қўйишни тақдир қилди. Улар бундай ҳулосага қарилар уйда вафот этган 109 ёшли аёл — Ида Вирениус ҳаёт йўлини таққиб эшитиш қароқатиди келганлар.

ГАРОНИК ЕДРОЛИК Инсон боласининг табиати кўп қизиқди. Шу пайтларда эр, илон, қурбақа шарафига ўриштирилган ёдгорликлар ҳақида эшитган эдик, лекин, тиш, ҳа, инсонларнинг тиш шарафига бутун бошли

* Шаҳар бедарвоза эмас

ЎТМАГАН НАЙРАНГ

Тошкент аэропорти. Соат миллари эса 5 январь тонги олтини кўрсатапти. Иккинчи йилнинг каттагина жомадонларини худди оғирлиги сезилмагандек шоша-пиша кўтариб аэропорт биносига кириб келишди. Бу ҳол шу атрофда навбатчилик қилаётган божхона ходими Карим Усмоновда шубҳа уйғотди ва у йиғиларини сичқовлик билан кўзата бошлади. Улар бамай-дихотир, юкларни ҳисобдан ўтказиш хонасига келиб, қўллариди жомадонларини юк қабул қилувчида топширилди. У эса қонда бўйича юкларни тортиб уларнинг вазинини кўрсатувчи қоғоз илби қўйиш олдидан ҳушёр божхона ходими Қ. Усмонов етиб келиб йўловчиларга мурожаат қилди.

Ўй билан таъқиқланган кул... Шундайку-я, энди ўзини билгандек, тиркичлик. — Укалар, келинг, хонамизга кирилайлик, жомадонларини кўришга келинг, бир текшириб қўрайликчи, масалан ўша ерда ҳал қиламиз. Шундай ҳам бўлди. Уларнинг оғирлиги билан божхонага олиб кириб иккала жомадонини эгаларига олдириб кўришса, кўриш ҳар бирида кооператив корхоналари томонидан тайёрланган қишқир пўстиндан уч донадан, жами олти дона борлиги аниқланди.

Ҳа, Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходими Карим Усмоновнинг айриқичлиги оқибатида Тошкент вилояти, Ғалаба районининг маркази бўлиши Солдатское қишлоғида яшовчи — иш жойларининг тайини бўлмаган Пётр Мясовский ҳамда Александр Обуховскийлар республикамиздан поноуний равишда ҳар бири 40 миң сўм турадиган умумий қиймати 240 миң сўмлик камбў пўстинларини олиб чиқиб нетаётганларидан ушландилар. Пўстинлар давлат фойдасига топширилди. «Ишбилармон»лар эса жарима тўлашга майбур бўлдилар. Зеро, халқ мулкига кўз олайтирганлар учун бундан бўлак жазо бўлиши мумкин эмасди.

Маъмур ҲАКИМОВ. Мухаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

Телефонлар: қабулхона — 32-53-76, хатлар — 33-29-70, 32-53-79; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-53-34, 32-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилик учун жавобгарлик уларини берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

ТИЖКОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР «ТЕХНИКА ҲАЁТГА» КИЧИК КОРХОНАСИ ЖАМОАТ МУЛКИГА ХУСУСИЯЛАШТИРИЛГАНИ. ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХУСУСИЯЛАШТИРИШ ҚУМИТАСИ КОМИССИЯСИ.

КОРХОНАЛАР ВА МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 29 декабрдаги «1993 йил 1 январдан меҳнат ҳақи, нафақалар ва стипендияларнинг миқдорларини ошириш тўғрисида»ги Фармонида биноан нафақаларнинг барча турлари 1,25 баравар оширилди. Шу муносабат билан корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан ишлаётган нафақахўрларни нафақаларини янги миқдорларига ўзгартириш киритиш учун (25-намунадаги) топшириқномалар билан ижтимоий таъминот органларига юбормасликларини илтимос қиламиз. Агар топшириқномаларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг аввалги Фармонларига мувофиқ 1992 йил 1 сентябрдан ва 1992 йил 1 октябрдан нафақа миқдорларининг ўзгарганлиги тўғрисидаги қайдлар мавжуд бўлса, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг қасаба уюшмаси қўмиталари 1993 йил 1 январдан нафақаларнинг янги миқдорларига нафақа миқдорининг 1,25 коэффициентга кўпайтирилганлиги тўғрисидаги ўзгартиришни киритиб қўйишлари зарур.

ТОШКЕНТ ШАҲАР НАФАҚА ЖАМҒАРМАСИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЯТИНИНГ ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ БОШҚАРМАСИ. БУЮРТМАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ Босма маҳсулотларнинг қуйидаги турлари бўйича шошилич ва оддий буюртмаларни қабул қилади. — юмшоқ муқовали китоблар, брошюраларнинг ҳажми 384 қоғоздан ошмаслиги керак, формати 84×108/32, 70×108/32, 84×108/16, 70×108/16; — рангли буклетлар, проспеклар, болалар учун муължалланган юмшоқ муқовали китобчалар, ёрлик (этикетка)лар, откриткалар ва босма маҳсулотларнинг бошқа турлари. Қоғоз формати 60×45 дан 90×120 см. гача; — рангли бўёқда бажарилган деворбоп гул қоғозлар ва текстуралар; — буюртмачининг картонидан ясалган рангли кўтчалар; Сизнинг қоғозингиз ва бизнинг меҳнатимиз эвазига юқори сифатли бажарилган буюртмаларга эга бўласиз! Қоғоз ёки босма материалларни топшида қийналсангиз, хотиржам бўлинг, Сизга уни биржа орқали харид қилишга ердан берамиз. Босма маҳсулотларнинг тайёрлаш мuddати қуйидагича: тайёр матрица ва позитивлардан — 1 ойгача, асл нусхадан, яъни оригиналдан — 2 ойгача. Клише, шильде, бланк, канцелярия дафтарлари концерн қоғозидан чекланмаган миқдорда тайёрлаб берилади. Мурожаат қилиш учун манзилноҳ: 700083, Тошкент шаҳри, «Правда» газетаси кўчаси, 41-уй. Телефонлар: 33-80-07, 33-84-78, 33-90-50, 32-55-31.

МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси. МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. Шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар кунни ўзбек тилида чиқади. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаатчилик концернининг босма хонаси.